

ҲУДУДЛАР ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШДА САМАРАЛИ ИННОВАЦИОН-ИНВЕСТИЦИОН СИЁСАТНИНГ ЎРНИ

Абдиева Дилнавоз Акрамовна

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби
таянч докторанти*

Ўзбекистонда бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши иқтисодий тармоқларининг барча соҳалари ва йўналишларида иқтисодий эркинликни таъминлашни талаб этади. Бу эса, инновацион-инвестицион фаолиятнинг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Тўқимачилик саноати корхоналари экспорт салоҳиятини ошириш учун истеъмолчилар талабларига мос келадиган юқори сифатли маҳсулот турларини ишлаб чиқаришда замонавий техника ва технологияларни жорий этиш, маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқариш зарур бўлади. Бу каби вазифаларни муваффақиятли бажаришда инновация фаоллиги билан биргаликда инвестиция фаолиятини ҳам янада ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Б.Твисс инновация жараёнини илмий ва техник билимлар сифатида бевосита истеъмолчи эҳтиёжлари соҳасига янгиликларни жорий этиш сифатида кўриб чиқади. Бунда маҳсулот фақат технология ташувчига айланади ва у технология ҳамда қондириладиган эҳтиёжларнинг ўзаро боғлиқлиги масаласи ҳал қилиниши билан қандайдир аниқ шаклга киради [1].

В.Кингстон фикрича, инновация – бу «янги ғоя ва ихтироларни янги техник иқтисодий кўрсаткичларга эга бўлган ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли маҳсулотга ёки ғояларни аниқ предметларга айлантириш жараёнидир [2].

Инновациялар устида тадқиқот ва изланишлар олиб борган Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Г.Д.Хасанова фикрига кўра, «Инновация» «янгиликнинг жорий этилиши» билан синоним эмас, балки янги билимлар, ёндошувлар кўринишидаги янгиликларнинг жорий этилиши жараёни билан боғлиқ ҳодисадир [3].

М.Амонбоев фикрича, инновация (инновацион фаолият) - пировард натижаси маҳсулот, хизмат, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш шакли, технологияларнинг янги турларини яратиш ёки мавжудларини такомиллаштиришдан иборат бўлган фаолиятдир [4].

Француз олими П.Массе ва инглиз олими Дж.Кейнснинг инвестиция моҳиятини аниқлашдаги мавжуд тафовутларда умумий методологик ёндашув ифодаланган. Шундай экан, П.Массе ёзади: «Инвестициялаш бугунги кундаги эҳтиёжнинг қондирилишини манфаат ёрдами билан унинг келажакда кутилаётганини алмашув актини ўзида ифодалайди» [5]. Ушбу

таърифда инвестициянинг икки томонлама моҳияти – ресурсларга сарфлар ва бу сарфларнинг натижалари ёритиб берилган. Дж.Кейнс фикрича, инвестиция ушбу даврга даромадлар, яъни эҳтиёж учун фойдаланилмайдиган қисмини ўзида ифодалайди. Бу «Алоҳида шахс ёки корпорациянинг қандайдир эски ёки янги мол-мулк харидини, қайсики янги инвестициялар даромад ҳисобига турли кўринишдаги капитал мол-мулк харидини» ифодалайди [6].

Ўзбекистон иқтисодчи олимларидан Д.Ғ.Ғозибеков ва Т.М.Қориалиевлар «инвестицияни даромад (фойда) ёки ижтимоий самара келтирадиган ва тадбиркорлик, ишбилармонликнинг давлат томонидан таъқиқланмаган фаолиятларига жалб қилинадиган (сарфланадиган) барча турдаги мулкӣ ва интеллектуал бойликлар» [7], деб таърифлайдилар.

Республикамиз ҳудудлари барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда саноат корхоналарини жойлаштиришни муқобиллаштириш муҳим масалалардан бири саналади.

Республика Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5285-сонли Фармонига асосан 2018-2020 йилларда қиймати 1854,5 млн.долл. бўлган 200 га яқин инвестицион лойиҳалар амалга оширилди. Бу лойиҳаларнинг аксарияти тайёр маҳсулотлар, яъни бўялган ип калава, трикотаж мато, газламалар, трикотаж маҳсулотлари ва тикув маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Статистик маълумотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, тармоқ бўйича 2022 йилда 23000 та янги иш ўринлари яратишга қаратилган умумий қиймати 326,3 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 86 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда эса 23000 та янги иш ўринлари яратилган умумий қиймати 326,3 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 86 та инновацион-инвестиция лойиҳалари амалга оширилган [8].

Тармоқни янада ривожлантириш мақсадида 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш Дастурида 80000 та янги иш ўринлари яратишга мўлжалланган умумий қиймати 2437 млн. АҚШ долларига тенг бўлга 225 та инновацион-инвестиция лойиҳалари амалга ошириш режалаштирилган. Ушбу инновацион-инвестиция лойиҳалари амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари ишлаб чиқилган.

Лойиҳаларнинг амалга ошиши натижасида 2022 йилда 2018 йилга нисбатан калава ип ишлаб чиқариш ҳажми – 7,0 минг тоннага камайган, трикотаж матоси – 26,4 минг тоннага, тайёр тикувчилик трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш ҳажми 175,0 млн.донага, пайпоқ маҳсулотлари ҳажми 1,51 млн.жуфтга, бўялган трикотаж матоси ишлаб чиқариш ҳажми эса 12,2 минг тоннага ошган.

Ушбу Фармонда белгиланган лойиҳаларни, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналари кам ташкил этилган ҳудудларда амалга ошириш, ҳудудларда янги иш ўринларини яратиш, аҳолини турмуш даражасини ошириш режалаштирилган. Жумладан, Қорақалпоғистон

Республикасида 2018-2020 йилларда Буюк Британиянинг “Frutex” компанияси, Япониянинг “Toyota Tcushe” ва Германиянинг “Zauser” компаниялари билан ҳамкорликда, умумий қиймати 94,8 млн. АҚШ доллари бўлган 8 та лойиҳа амалга оширилиб, 13 минг тонна ип калава, 4,0 минг тонна трикотаж мато, 32,7 млн.кв.метр газлама, 3,0 млн.жуфт пайпоқ маҳсулотлари ва 2,0 минг тонна ип калавани бўйлаб қувватлари яратилди.

Қашқадарё вилоятида Нидерландиянинг “LT Tekstile”, Германиянинг “Заурер” ва Швейцариянинг “Ритер АГ” компаниялари билан ҳамкорликда умумий қиймати 58,9 млн.доллар бўлган 6 та корхоналар ташкил этилади, 27,0 минг тонна ип калава, 9,0 млн.кв.метр газлама, 8,0 млн.жуфт пайпоқ маҳсулотлари ва 1,5 минг тонна трикотаж мато ишлаб чиқариш қувватлари яратилди.

Самарқанд вилоятида Польшанинг “Европол импекс”, Германиянинг “Террот” компаниялари билан ҳамкорликда умумий қиймати 140 млн доллар бўлган 10 та лойиҳа амалга оширилиб, 15,0 минг тонна ип калава, 7,0 млн.кв.метр газлама, 4,2 млн.дона тикув-трикотаж маҳсулотлари ва 6,0 минг тонна трикотаж мато ишлаб чиқариш қувватлари яратилди [8].

Жиззах вилоятининг “Жиззах Кантекс” хорижий корхонасини кенгайтириш ҳисобига йиллик ишлаб чиқариш қуввати 5,0 минг тонна бўйлаб ип калава бўлган, Наманган вилоятининг “Наманган тўқимачи” корхонаси негизида 2018-2020 йилларда қуввати 2,5 минг тонна ип калава ва 7,0 млн.кв.метр газлама ишлаб чиқарувчи, Фарғона вилоятининг “Булут текстил” МЧЖ кенгайтириш ҳисобига йиллик қуввати 13,0 млн.кв. метр бўлган ишлаб чиқариш қувватлари яратилди.

Шунингдек, 2018-2020 йилларда республикамизнинг 12 та ҳудудида 30 млн.долларлик (21 млн.доллар хорижий инвесторлар) инвестиция ҳисобига, умумий ишлаб чиқариш қуввати 24,0 минг тонна бўлган ип калавани бўйлаб ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди.

2018-2020 йилларда Бухоро вилоятининг Ромитан ва Жондор туманларининг қурилиши тугалланмаган иншоатлари негизида умумий қиймати 132 млн.доллар бўлган тўқимачилик комплекслари ташкил этилади. Ёғдудон туманида эса бир неча йиллардан бери тўхтаб турган ишлаб чиқариш биносида қиймати 22,1 млн.доллар бўлган тўқимачилик комплекси яратилди [8].

Республикамиз ҳудудлари тўқимачилик саноатини барқарор ривожлантириш учун инновацион-инвестицион жараёнларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ажратиб кўрсатишимиз мумкин:

республикамиз ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда тўқимачилик саноатини ривожлантиришни таъминлайдиган инновацион-инвестицион жараёнларни муқобиллаштириш;

тўқимачилик маҳсулотлари истеъмолчиларининг эҳтиёжларин қондиришда янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш, янги бозор

сегментларини эгаллаш орқали экспорт салоҳиятини оширишда замонавий инновацион технологиялардан фойдаланиш;

тўқимачилик ишлаб чиқаришининг мазкур тармоқда амалий жиҳатдан номаълум бўлган, асосида албатта янги илмий ихтиро ётиши шарт бўлмаган янги усулларида фойдаланиш;

тўқимачилик саноати экспорт салоҳиятини янада ошириш мақсадида ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, янги корхоналарни барпо этишда самарали инвестиция сиёсатини амалга ошириш;

трикотаж-тикувчилик ишлаб чиқаришини ташкил этишда экспорт ўрнини босувчи фурнитура ва аксессуарлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, хомашё ва яримфабрикатларнинг янги манбаларига эгаллик қилиш;

тўқимачилик саноати экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида жалб этиладиган инвестиция маблағлари самарадорлиги ошириш, улардан мақсадли равишда фойдаланиш;

трикотаж-тикувчилик корхоналарида юқори иқтисодий ва ижтимоий самарани таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнига илғор фан-техника ютуқларини жорий этиш йўли билан янги товарларни яратиш ёки ишлаб чиқарилаётган товарлар сифатини ошириш.

Демак, тўқимачилик саноати экспорт салоҳиятини янада оширишда унинг маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда самарали инновацион-инвестицион сиёсатни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Твист Б. *Управление научно-техническими нововведениями: Сокр. пер. с англ.* / К.Ф. Пузыня. – М.: Экономика, 2001.
2. *Определение экономической эффективности изобретений и рационализаторских предложений* / И.И. Дахно, В.Н. Лало, Б.С. Песков. – К.: Техника, 2002. – 165 с.
3. Хасанова Г.Д. «Саноат корхоналари инновация фаолияти самарадорлигини ошириш» Иқтисод фанлари номзоди... дис. ТДИУ. -Т.: 2006. -141 б.
4. Амонбоев М. Корпоратив корхоналар фаолиятини инновацион бошқариш шароитида ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг асосий йўналишлари («Ўзбекенгилсаноат» ДАК мисолида). Иқтисод фанлари номзоди... дис. ТДИУ, - Т., 2011й. - 176 б.
5. Массе П. *Критерии и методы оптимального определения капиталовложений* / Пер.с фр. –М.: Статистика, 2011. – 160 с.
6. Серов В.М. *Инвестиционный менеджмент* / В.М. Серов. - М.: ИНФРА-М, 2016. - 272 с.
7. Ғозибеков Д.Ғ. *Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Монография.* -Т.: Молия, 2003. -215 б.
8. www.uzts.uz – «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси расмий сайти.